

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**БОЛТАБАЕВ АЗИЗБЕК ФАРХОДОВИЧ**

**АЛЮМИНИЙ ҚОТИШМАЛАРИДА ЧИЗИҚЛИ ВА НОЧИЗИҚЛИ  
ЭЛАСТИК ВА ИССИҚЛИК ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗARO  
БОҒЛИҚЛИГИ**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Болтабаев Азизбек Фарходович**

Алюминий қотишмаларида чизиқли ва нозиқлиқли эластик ва  
иссиқлик хоссаларининг ўзаро боғлиқлиги..... 3

**Болтабаев Азизбек Фарходович**

Взаимосвязь линейных и нелинейных упругих и тепловых свойств  
в алюминиевых сплавах..... 24

**Boltabaev Azizbek Farxodovich**

Interconnection of linear and nonlinear elastic and thermal properties in  
aluminum alloys..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**БОЛТАБАЕВ АЗИЗБЕК ФАРХОДОВИЧ**

**АЛЮМИНИЙ ҚОТИШМАЛАРИДА ЧИЗИҚЛИ ВА НОЧИЗИҚЛИ  
ЭЛАСТИК ВА ИССИҚЛИК ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗARO  
БОҒЛИҚЛИГИ**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.FM637 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмеджанов Фарход Рашидович**

физика-математика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ашуров Мухсин Хуррамович**

физика-математика фанлари доктори, профессор, академик

**Мирзаев Сирожиддин Зайниевич**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**И.А. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871)289-31-18; факс (+99871)289-35-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871)289-31-19.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**М.Ю. Ташметов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**О.Р. Тожибоев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, PhD.ф.-м.н

**С.В. Артёмов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнги йилларда қаттиқ жисмларнинг чизикли ва ночизикли эластиклик ва иссиқлик хоссалари орасидаги ўзаро боғланишларга қизиқиш, уларнинг ночизикли хусусиятлари материалдаги ташқи таъсирлар туфайли юзага келадиган структура ўзгаришларига сезгирлиги билангина эмас, балки кўп ҳолларда чизикли эластиклик хоссаларини ҳам белгилаб бериши билан изоҳланади. Грюнайзен параметри (ангармонизм доимийси) эластик ночизиклиликни характерловчи асосий параметрлардан бири бўлиб, панжара тебранишлари нормал модалари частоталарининг система ҳажми ўзгаришларига боғлиқ равишда ўзгариши билан аниқланади. Одатда у ҳажмий иссиқлик кенгайиши коэффициентини, ҳажмий сиқилишнинг изотермик модули, моляр ҳажм ва моляр иссиқлик сиғими ҳақидаги маълумотларга таяниб Грюнайзен тенгламасидан топилади. Анггармонизм константасини аниқлашнинг янги усуллари топиш ва атомлараро ўзаро таъсир кучларининг ночизиклиликни характерловчи Грюнайзен параметри билан чизикли эластиклик назариясининг маълум параметрлари орасидаги муайян боғлиқликларни ўрнатиш ҳеч шубҳасиз илмий ва амалий қизиқиш уйғотади ва долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида турли материалларнинг ночизикли физикавий хоссаларини, шу жумлада металл қотишмаларининг ночизикли эластиклик ва иссиқлик хоссаларини тадқиқ қилинмоқда. Конденсацияланган муҳитларнинг айнан эластик ночизиклилиги ва ночизикли иссиқлик хоссалари атомлараро ўзаро таъсир ангармонизми орқали боғланган. Бунда ҳолат тенгламасига кирувчи Грюнайзен параметри кристалл фонон спектрининг ўзига хослигини акс эттиради ва бир қатор муҳим физикавий эластиклик ва иссиқлик характеристикаларини белгилаб беради. Улар қаторига ночизикли (иссиқликдан кенгайиш, иссиқлик ўтказувчанлик, товуш тўлқинларини ютиш, эластиклик хоссаларининг температурага боғлиқ ўзгариши) характеристикалар ҳам, солиштирма иссиқлик сиғими, ҳар томонлама сиқилиш модули, сиқилувчанлик каби чизикли характеристикалар ҳам киради.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам материалшунослик соҳасида фундаментал тадқиқотларга – мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида конструкцион материаллар сифатида қўлланадиган янги материалларни излаш ва аввалдан ишлатилаётган материалларнинг, шу жумладан металл ва металл қотишмаларининг хоссаларини тадқиқ қилишга катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда атом энергиясида илм-фанни ривожлантириш ва уни келгусида амалиётда қўллаш учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу фундаментал тадқиқотлар йўналишлари 2017-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Стратегиясида<sup>1</sup> ўз аксини топган, шунингдек 2019-2029 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида атом энергиясини ривожлантириш концепциясида ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февralидаги ПҚ-4947-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси ҳақида”, 2017 йил 16 февралдаги ПҚ-4958-сон “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратadbирлари ҳақида” қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёда бир қатор етакчи олимлар, масалан: америкалик (Y.S. Kim, A. Yasout), россиялик (Коноплев К.А., Фридман С.Р., Орлов С.П., В.М. Лебедев, С.Н. Вотинов), қозоғистонлик (О.П. Максимкин, А.В. Яровчук, Л.Г. Турубарова), польшалик (В. Штеке, Т. Вагнер, Е. Хаевска), исроиллик (А. Minitz, А. Shtechman), украиналик (В.Н. Воеводин ва бошқалар), ўзбекистонлик (У.С. Салихбаев, И. Хидиров, С.А. Байтелесов ва бошқалар) ва бошқа мутахассисларнинг ишлари шундай САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларини экспериментал ва назарий тадқиқ қилишга бағишланган.

Бу тадқиқотлар натижасида САВ-1 нинг ВВР-СМ атом реакторининг актив зонасида эксплуатациясидан кейин коррозияга чидамлилиги ҳамда Al–Mg–Si системадаги қотишмаларнинг микроструктураси ва хоссаларига нейтронлар билан нурлантиришнинг таъсири тадқиқ қилинган; САВ-1 ни реакторда ва реактордаги эксплуатациядан кейинги ҳолати тадқиқотларини бажариб, унинг радиацияга чидамлилиги даражаси аниқланган, флюенснинг юқори қийматларигача тез электронлар билан нурлантирилган САВ-1 қотишманинг нано ўлчамли тузилиши ўрганилган, реактор нурланишининг САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларнинг микроструктураси ва микроқаттиқлигига электр ва иссиқлик ўтказувчанлигига таъсири тадқиқ қилинган.

Шундай қилиб, САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларнинг тузилиши, иссиқлик ва электр хоссалари бир қатор ишларда тадқиқ қилинган, бироқ уларнинг эластиклик хоссалари кам ўрганилган, уларнинг эластиклик хоссаларига доир мавжуд маълумотлар ўзаро бир-бирига мос келмайди. Айни пайтда, акустик тўлқинларнинг тарқалиш ва сўниш тезликлари эластиклик

---

<sup>1</sup> 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

константалари билан тўғридан-тўғри функционал боғланган, бу константаларнинг қийматлари ўз навбатида қотишмаларнинг таркиби ва структурасига кучли тарзда боғлиқдир. Шу сабабдан қотишмаларнинг чизиқли ва ночизиқли эластиклик ва иссиқлик хоссалари орасидаги муносабатларни аниқлаш уларда ташқи таъсирлар натижасида юз берадиган структура ўзгаришларини ишончлироқ баҳолаш имконини беради. Бунда ночизиқлилиқнинг асосий характеристикаси – Грюнайзен параметри (ангармонизм доимийси) ни тажрибада ўлчаб топиладиган катталикларнинг энг кам миқдоридан аниқлаш долзарб масалалардан биридир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А3-Ф004 “ЎзР ФА ЯФИДаги ВВР-СМ ядро реакторини эксплуатациядан чиқаришда ядровий ва радиациявий хавфсизлиқни таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш” (2015-2017) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** алюминий қотишмаларининг чизиқли ва ночизиқли эластиклик ва иссиқлик хоссаларининг ўзаро боғлиқлигини уларнинг таркибидаги асосий киритма элементлар миқдorigа боғлиқ равишда аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларида акустик тўлқинларнинг тезликлари ва сўниши, уларнинг таркибидаги киритма элементлар миқдorigа ва температурага боғлиқ равишда аниқлаш;

АМГ-2 алюминий қотишма панжарасида киритма атомлари ҳаракатининг фаолланиш энергияси аниқлаш;

САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларида Грюнайзен параметрни қиймати ва унинг температурага боғлиқлигини аниқлаш;

нейтронлар билан нурлантирилган САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларда панжара параметрининг динамикаси ўзгаришини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларининг чизиқли ва ночизиқли эластиклик ва иссиқлик хоссалари олинган.

**Тадқиқот предмети** САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларида акустик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги ва сўниш коэффиценти, иссиқлик ўтказувчанлик панжара параметрлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Акустик тўлқинлар тарқалиши тезлиги ва сўниш коэффиценти ўлчашнинг импульсли ва импульс-интерференцияли усуллари қўлланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта тажрибада САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларида акустик тўлқинларнинг 10 ва 50 МГц оралиқда кўндаланг, бўйлама тезликлари ва сўниш коэффиценти аниқланган;

АМГ-2 қотишма панжарасида магний атомлари ҳаракатининг фаолланиш энергияси 0,38 эВ га тенглиги ва киритилиш позициясида магний атомларининг ўртача тебрланиш частоталари тақрибан  $3 \cdot 10^{12}$  Гц га тенглиги аниқланган;

биринчи марта САВ-1 (2.04) ва АМГ-2 (2.06) алюминий қотишмаларида Грюнайзен параметри қиймати ва унинг температурага боғлиқлиги аниқланган;

эластиклик модулларининг, шу жумладан Юнг модулининг, силжиш модули ва ҳажмий эластиклик адиабатик модулининг алюминий қотишмаларидаги магний киритмаси концентрациясига 0.45 – 2.10 % боғлиқлиги аниқланган;

импульс-интенференция усули асосида материалларда акустик тўлқинларнинг тезлиги ва сўнишини ўлчаш аниқлигини ошириш имконини берадиган қурилма йиғилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ядро реакторларида конструкцион материал сифатида ишлатиладиган алюминий қотишмаларнинг, структура ўзгаришлари ва эластиклик хоссаларини назорат қилишнинг акустика самарадорлиги кўрсатилган;

САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларда кузатилган панжара параметрининг радиация таъсирида ўзгариши иккита ўзаро рақобатлашувчи механизмлар ва уларни ҳажмида тугунлараро жойлашган атомлар ҳамда вакансион ғовақлар концентрациясининг нейтронлар билан нурлантириш дозаларига мос равишда боғлиқлиги сабабли юз бериши кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўйилган вазифаларнинг физикавий асосланганлиги, металл қотишмаларининг эластиклик ва иссиқлик хоссаларини тадқиқ қилишнинг яхши текширилган замонавий усуллари қўлланганлиги, тажриба натижаларининг катта ҳажми ва уларнинг конденсацияланган ҳолат физикаси фундаментал қонунлари ҳамда асосий қоидаларига мувофиқлиги, олинган натижалар ва ҳулосаларнинг изчиллиги ва бошқа муаллифларнинг айрим натижаларига мос келиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Натижаларнинг илмий аҳамияти САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларда эластиклик модулларининг таркибдаги магний ва кремний киришмалари эффектив концентрациясига боғлиқлиги нейтронлар билан нурлантириш таъсирида ўзгаришининг аниқланишидадир.

Натижаларнинг амалий аҳамияти тадқиқ қилинган қотишмаларнинг эластиклик хоссаларини башорат қилиш ва алюминий қотишмалари асосидаги конструкцион материалларнинг хоссаларини мақсадли бошқариш имконияти яратилганидадир.

**Тадқиқот натижаларининг амалга тадбиқ қилиниши.** Алюминий қотишмаларининг чизикли ва ночизикли эластиклик ва иссиқлик хоссаларининг ўзаро боғлиқлиги аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:



САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмалардаги бўйлама ва кўндаланг акустик тўлқинларнинг аниқланган тезлиги ва сўниш коэффициентлари, ҳамда АМГ-2 қотишма панжарасидаги магний атомларининг ҳаракат активлик энергияси ноёб илмий қурилма “ВВР-СМ Ядровий тадқиқот реакторида” фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси 2020-йил 20-августдаги № 2/1255-2320 сонли хати). Илмий натижаларининг қўлланилиши ВВР-СМ реакторининг температурага боғлиқ иш режимини ҳисоблаш имконини берган;

САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларда аниқланган Грюнайзен параметри ва унинг температурага боғлиқлиги ноёб илмий қурилма “ВВР-СМ Ядровий тадқиқот реакторида” фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси 2021-йил 20-августдаги № 2/1255-2320 сонли хати). Илмий натижаларининг қўлланилиши САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмалардаги иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик қаршилиги коэффициентларини температурага боғлиқлигини башорат қилиш имконини берган;

Юнг модулининг, силжиш модули ва ҳажмий эластиклик адиабатик модулининг алюминий қотишмаларидаги магний киритмаси концентрациясига аниқланган боғлиқлиги БФ2-006 “Бўлиниш маҳсулотлари ва трансурани изотоплар активлигини минималлаштириш ва уларни ВВР-СМ ядро реактори конструкцион материалларга таъсирини ўрганиш” фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси 2021-йил 20-августдаги № 2/1255-2320 сонли хати). Илмий натижаларининг қўлланилиши ВВР-СМ ядро реактори нурланиш дозасига боғлиқ иссиқлик ажратувчи қурилмасида конструкцион материал сифатида фойдаланилувчи САВ-1 қотишма кенгайтиш даражасини баҳолаш имконини берган;

акустик тўлқинларнинг тезлиги ва сўнишини ўлчайдиган импульсли интерференцион метод ишланмаси материалларда акустик тўлқинларнинг тезлигини юқори аниқликда ўлчаш қурилмаси сифатида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган (Фойдали моделга 2020-йил 28-сентябрда берилган Ўзбекистон Республикаси патенти № ФАП 012545). Илмий натижаларининг қўлланилиши ВВР-СМ ядро реакторининг актив зонасида ишлайдиган САВ-1 қотишмасидан тайёрланган қурилмаларни механик кучланишини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижалари 11 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси доирасида жами 20 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шулардан 1 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг Республикадаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устивор йўналишларига боғланиши очиб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган. Шунингдек тадқиқотнинг предмети ва тадқиқот усуллари аниқлаб олинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ишнинг натижаларини амалга тадбиқ қилиш ва апробацияси ҳақида, шунингдек диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қаттиқ жисмларда акустик тўлқинлар қисқа назарияси ва алюминий қотишмаларининг нуқсонлари ва эластиклик хоссалари”** деб номланган биринчи бобида қаттиқ жисмларда акустик тўлқинлар назарияси қисқача баён қилинган ва алюминий қотишмаларида нуқсонлар ва эластиклик хоссалари обзори берилган. Акустик тўлқинлар ва уларнинг қаттиқ жисмларда тарқалиш қонуниятлари классик мабларга таянган ҳолда баён қилинган. Акустик тўлқинларнинг сўниш коэффициентига алоҳида эътибор қаратилди, у тўлқиннинг муҳит ва нобиржинслиликлар билан ўзаро таъсирлашуви оқибатида тўлқин амлитудасининг заифлашишини характерлайди.

Биринчи бобнинг алоҳида бўлими кристалл панжарадаги нуқсонларнинг асосий типлари ва уларни синфлаштиришга бағишланган. Материалларнинг физикавий-механик характеристикалари ўзгаришига, биринчи навбатда нишоннинг атомлари билан келиб урилаётган зарралар (нейтронлар, ионлар) нинг эластик ва ноэластик ўзаро таъсирлашуви жараёнлари туфайли кристалл панжара атомларини силжиши орқали юзага келадиган, асосий жараёнлар кўриб чиқилди.

Бобда асосий эътибор САВ-1 ва АМГ-2 ҳамда уларга турдош АМГ-6 алюминий қотишмаларининг эластиклик хоссаларига доир ишлар обзорида қаратилган. Бунда таркибида киритма атомлар миқдори турлича бўлган алюминий қотишмаларининг чизиқли ва ночизиқли эластиклик хоссалари ўрганилган ишлар қараб чиқилган. Алюминий қотишмаларида иккинчи тартибли эластиклик коэффициентлари орасидаги фарқ 30% дан ошмаслиги кўрсатиб берилган. Айни вақтда, худди шу қотишмаларда учинчи тартибли эластиклик доимийларининг қийматлари ўнлаб марта фарқланиши мумкин, яъни ночизиқли доимийлар материалнинг структураси ва кимёвий таркибига сезгирроқ бўлади.

Келтирилган обзордан, қотишмаларнинг эластиклик хоссалари бўйича мавжуд ишлар ва ахборот ҳажми жуда катта бўлишига қарамасдан, эластик деформациялар соҳасида алюминий қотишмаларида бўладиган ўзгаришлар бўйича кўпгина масалалар очиқ қолаётгани ҳақида хулоса чиқарилди.

Диссертациянинг **“Намуналар ва тажриба усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқ қилинган САВ-1 ва АМГ-2 намуналарига ишлов бериш усуллари ва уларнинг характеристикаларига оид маълумотлар келтирилган. Алоҳида бўлим тадқиқ қилинаётган муҳитда турли йўллари босиб ўтган акустик тўлқинлар фазаларини солиштиришга асосланган Вильяс-Лэмб “импульс интерференцияси” усулида ишлаб чиқилган акустик тўлқинларнинг тезлиги ва сўнишини аниқлаш қурилмасига бағишланган. Унинг ўзига хослиги шунда-ки, ўлчаш тизимида амплитуда селектори киритилган, у муайян вақт оралиғида – ўтказиш вақти тирқишида очилади. Бу сериядаги у ёки бу импульсни ўтказиш ва унинг амплитудасини вольтметрда ўлчаш имконини беради. Бундай жараёнда, биринчидан, ўлчанган қўшни А1 ва А2 амплитудалар қийматларидан тўлқинларнинг сўниш коэффициентини  $\alpha$

$$\alpha = \frac{20 \lg(A_1/A_2)}{2L} \quad (1)$$

бунда  $L$  – намуна узунлиги, муносабатдан аниқлаш имконини беради. Иккинчидан, ўлчаш тизими генератор импульсларининг иккита стробидан радиоимпульсларнинг иккита сериясини шакллантиради. Бундай шароитда бир-бирига устма-уст тушган эхо-импульслар амплитудалари суммасибу импульсларни тўлдираётган тебранишлар орасидаги фазалар фарқига боғлиқ бўлади. Айтилган фазалар фарқини ЎЮЧ генератор частотасини бошқариб ўзгартириш мумкин.

Генератор частотасини ўзгартириш жараёнида сигнал амплитудасининг бир қатор интерференцион нуллари ва максимумлари кузатилади, уларнинг ҳолати частоталар шкаласида намунанинг узунлиги  $L$  ва ундаги акустик тўлқинлар тезлигига қуйидагича боғланади

$$\vartheta = 2L \cdot \Delta\nu, \quad (2)$$

бу ерда  $\Delta\nu$  – генераторни иккита частотасининг фарқи, қарама-қарши фазалар интерференциясига мос келади. Тезликни ўлчаш аниқлиги фойдали сигнални амплитуда ва вақт бўйича селекция қилиш ҳисобига оширилган ва ~0,01%га тенг.

Тадқиқ қилинган қотишмаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини ИТ-λ-400 қурилмада динамик калориметрия усулида аниқланди. Қотишмалар намуналари ЎзР ФА ВВР-СМ ядро реакторининг вертикал каналида нурлантирилди. Нурлантириш натижасида


қотишмаларнинг нейтронларнинг ҳар-хил флюенсларида,  $3,8 \cdot 10^{16}$  н/см<sup>2</sup> дан  $0,9 \cdot 10^{20}$  н/см<sup>2</sup> гача, нурлантирилган намуналари олинди.

Диссертациянинг “Алюминий қотишмаларининг чизикли ва ночизикли эластиклик хоссалари” деб номланган учинчи бобида САВ-1 ва АМГ-2 алюминий қотишмаларида акустик тўлқинларни тезлиги ва сўнишини ўлчаш натижалари ва алюминий ҳамда АМГ-6 қотишма учун адабиётларда мавжуд маълумотлар келтирилган (1-жадвал). Ундан кўриш мумкин-ки, паст частоталарда чизикли частотавий боғланиш, 30 МГц дан юқоридарида квадратик частотавий боғланиш кузатилади.

**1-жадвал**

**Al ва САВ-1, АМГ-2, АМГ-6 қотишмаларда акустик тўлқинларнинг тезлиги ва сўниш коэффициентлари**

| Қотишма         | $v_L$ ,<br>10 <sup>3</sup> м/с | $v_S$ ,<br>10 <sup>3</sup> м/с | $v_L/v_S$ | $\alpha_L$ , дБ/см |         | $\alpha_S$ ,<br>дБ/см<br>10 МГц | Ўртача<br>тезлик<br>10 <sup>3</sup> м/с |
|-----------------|--------------------------------|--------------------------------|-----------|--------------------|---------|---------------------------------|-----------------------------------------|
|                 |                                |                                |           | 10 МГц             | 30 МГц  |                                 |                                         |
| Al [адаб]       | 6.44                           | 3.103                          | 2.08      | 0.26-0.4           | 0.9-1.3 | 2.2                             | 4.4979                                  |
| САВ-1           | 5.98                           | 2.95                           | 2.03      | 0.65               | 1.5     | 2.51                            | 4.2097                                  |
| АМГ-2           | 6.16                           | 3.02                           | 2.04      | 0.52               | 1.3     | 2.66                            | 4.3277                                  |
| АМГ-6<br>[адаб] | 6.34                           | 3.14                           | 2.02      |                    |         |                                 | 4.4689                                  |



Тўғри чизик ва штрихли эгри чизик мос равишда, сўнишнинг частотага чизикли ва квадратик боғлиқлигини тахмин қилиб ўтказилган

**1-расм. САВ-1 (1), АМГ-2 (2) қотишмаларда, ва Al (3) да бўйлама акустик тўлқинлар сўнишининг частотага боғлиқлиги**


Назарияга кўра, товуш сўнишининг частота  $\nu$  га боғлиқлиги

$$\nu \geq \frac{g}{20d} \quad (3)$$

бу ерда  $g$  – акустик тўлқин тезлиги,  $d$  – кристаллитларнинг ўртача ўлчамлари, частотадан юқори частоталарда бузила бошлайди.

Бунинг сабаби, товушнинг сўнишида асосий хиссани акустик тўлқинларнинг кристалл зарраларида сочилиши беради ва паст частоталарда сўниш коэффиценти бу зарраларнинг ўлчамларига кучли боғланган бўлишидир. Сўнишнинг частотага боғланиши бўйича натижалар ва (3) муносабат қотишмадаги кристаллитларнинг ўртача ўлчамларини баҳолаш имконини беради. Бундай баҳолаш кристаллитлар ўлчамларининг АМГ-2 қотишма учун 10-15 мкм, САВ-1 учун 30-40 мкм қийматларни беради, бу адабиётларда мавжуд баҳолашларга мос келади. Шундай қилиб, акустик тўлқинларнинг қотишмаларда сўниши катталигини қиймати тўлқин узунлиги билан кристалл зарралари ўлчамлари орасидаги муносабатга жиддий тарзда боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг “Алюминий қотишмаларида ультратовуш тўлқинлари сўнишининг температурага боғлиқлиги” номли учинчи бобнинг иккинчи бўлимида АМГ-2 қотишмада 10 ва 30 МГц частоталарда акустик тўлқинлар сўнишини тадқиқ қилишнинг натижалари келтирилган (2-расм). Кўриниб турибди-ки, ҳар иккала частотада ҳам сўнишнинг температурага боғланишида максимум кузатилади. Бу ён ёғига марказлашган кристалл панжарада киритма атом кўпинча бундай панжаранинг қирралари ўртасида ёки панжара марказида жойлашган бўлишига боғлиқдир. Бу киритма атомлар панжарани деформациялаб, тетрагонал симметрияга эга қийшайишлар ҳосил қилади. Энг катта қийшайишлар панжаранинг бир-бирига энг яқин иккита кўшни атомлари орасида, яъни асосий ўқлардан бири  $\langle 100 \rangle$  йўналишида юз беради. Чет атомлар киритишнинг ҳар учала тури тартибсиз аралашиб кетган, шунинг учун киритиш позицияларининг ҳар бирига киритма атомларнинг 1/3 қисми тўғри келади.



**2-расм. АМГ-2 қотишмада 10 МГц (1) ва 30 МГц (2) частотали бўйлама акустик тўлқинлар сўнишининг температурага боғланиши**

Акустик тўлқинлар тарқалаётганда атомларнинг тенг эҳтимолли тақсимланиши бузилади; кўпсонли киритма атомлар тетрагонал ўқли позицияларда жойлашган ҳолат мувозанат ҳолатига айланади, бу ўқ бўйлаб эластик деформация юзага келади. Натижада, киритма атомларнинг силжиши ва қайта ориентацияланиши ҳисобига янги мувозанат ҳолатига ўтиш содир бўлади, бу ҳолат температурага боғлиқ ўзгарувчи релаксация вақти  $\tau$  характерланади ва ультратовуш тўлқинлари учун сўнишнинг қуйидаги шартга жавоб берадиган максимумли релаксацион чўққиси кузатилади

$$\nu = \nu_0 e^{-U/kT} \quad (4)$$

бу ерда  $\nu_0$ –киритилиш позициясида киритма атомнинг тебранишлар частотаси,  $U$ –киритма атомлар ҳаракатининг фаолланиш энергияси,  $k$  – Больцман коэффиценти.

Бундай ўтиш учун зарур бўладиган фаолланиш энергиясининг қиймати киритма атомларнинг типи ва позициясига қараб аниқланади. АМГ-2 қотишмада релаксацион чўққиларнинг частотага боғлиқ силжиши бўйича аниқланган фаолланиш энергияси ( $E_A$ ) 0,38 эВ га тенг бўлиб чиқди ва афтидан, қотишма панжарасида магний киритма атомларининг ҳаракати билан боғланган.  $E_A$  нинг олинган қийматини (4) муносабатга қўйиб, киритиш позициясида магний атомларининг ўртачалашган тебраниш частотасини топамиз:  $\nu_0 \sim 3 \cdot 10^{12}$  Гц .

Сўниш катталиги қийматини акустик тўлқинлар сўнишининг бошқа бўлиши мумкин бўлган механизми (Ахиезер механизми) бўйича баҳолаш учун, биз Мэзон формуласидан фойдаланамиз:

$$\alpha = \frac{3 \cdot 8.68 \gamma^2 k T \omega^2}{2 \rho \vartheta^2 \vartheta_{cp}^2} \quad (5)$$

Бу ерда  $\rho$  - зичлик,  $\vartheta$  ва  $\omega$  – акустик тўлқиннинг тезлиги ва доиравий частотаси,  $\gamma$  - Грюнайзеннинг термодинамик параметри, унинг ўрнига Грюнайзеннинг акустиик параметри  $\gamma_a$  ни ишлатиш мумкин. Бу  $\gamma_a$  параметр, Беломестных В.Н. га кўра, изотроп материалда акустик тўлқинларнинг бўйлама ( $\vartheta_L$ ) ва кўндаланг ( $\vartheta_S$ ) тезликлари қийматларидан аниқланади.

$$\gamma = \frac{9(\vartheta_L^2 - 4\vartheta_S^2/3)}{2(\vartheta_L^2 + 2\vartheta_S^2)} \quad (6)$$

Иссиқлик ўтказувчанлик, акустик тўлқинлар тезликлари бўйича олинган тажриба натижалари ва Грюнайзен параметрининг ҳисобланган қийматлари сўнишни (5) формула бўйича ҳисоблашда қўлланди. Қотишмаларда Ахиезер механизми бўйича ҳисобланган акустик тўлқинлар сўниши, кузатилган сўнишдан бир тартибга кам бўлиб чиқди, демак бу

механизмнинг кузатилган сўниш чўққисига хиссасини эътиборга олмаса ҳам бўлади.

САВ-1 қотишмада акустик сўниш мксимуми фақат 10 МГц частотада 335 K температурада кузатилади. Буни САВ-1 да 30 МГц частотада товуш сўнишининг катта қиймати билан тушинтирилади, мазкур холда сўнишга асосий хиссани структура зарраларида сочилиш эмас, балки 10 МГц частотада кузатиладиган сўнишнинг релаксацион механизмини босиб кетувчи зарралар чегараларидаги диффузион сочилиш беради. Шундай қилиб, қотишмаларда сўниш коэффицентининг максимумлари асосий легирловчи элементлар атомларининг акустик тўлқин таъсирида янги мувозанат ҳолатига ўтиши вақтидаги релаксацион жараёнларга боғлиқдир.

Диссертациянинг “САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларда эластиклик модуллари ва структура ўзгаришлари” номли учинчи бобнинг учинчи бўлимида ўртача Дебай тезлиги  $\vartheta_D$  ва барча эластиклик модуллари – Юнг модули  $E$ , силжиш модули  $G$ , ҳажмий эластиклик модули  $B$ , эластиклик тензори компонентлари  $c_{11}$ ,  $c_{12}$ ,  $c_{44}$  ва Пуассон коэффицентини ҳисоблаш натижалари қараб чиқилган. Ҳисоблаш натижалари 2-жадвалда келтирилган, унда соф алюминий ва АМГ-6 қотишма учун адабиётларда мавжуд маълумотлар ҳам келтирилган.

## 2-жадвал

### Алюминия ҳамда сплавов САВ-1, АМГ-2 ва АМГ-6 қотишмаларнинг эластиклик модуллари, $10^{10}$ Н/м<sup>2</sup> бирликларда

| Материал   | $\rho$ | $c_{11}$ | $c_{44}$ | $c_{12}$ | $B$  | $E$  | $G$  | $\sigma$ |
|------------|--------|----------|----------|----------|------|------|------|----------|
| Al         | 2.7    | 11.20    | 2.60     | 6.01     | 7.73 | 7.13 | 2.60 | 0.345    |
| САВ-1      | 2.69   | 9,62     | 2,34     | 4,94     | 6.50 | 6.32 | 2.34 | 0.337    |
| АМГ-2      | 2.68   | 10.17    | 2.44     | 5.29     | 6.91 | 6.56 | 2.44 | 0.342    |
| АМГ-6 [42] | 2.64   | 10.60    | 2.59     | 5.42     | 7.14 | 6.89 | 2.59 | 0.34     |

Алюминий қотишмаларининг деформациясини характерловчи эластиклик доимийлари уларни таркибларига сезиларли даражада боғлиқ бўлиши кўриниб турибди. Киритма элементлар, айниқса бўйлама ва ҳажмий деформацияларни характерловчи  $E$  ва  $B$  эластиклик модулларига кучли таъсир кўрсатади. 2-жадвалда Пуассон коэффиценти  $\sigma$  қийматлари ҳам келтирилган.


$$\sigma = \frac{0.5\vartheta_L^2 - \vartheta_S^2}{\vartheta_L^2 - \vartheta_S^2} \quad (7)$$

Қотишмалар учун Пуассон коэффиценти қийматлари унинг алюминий учун қийматларидан деярли фарқ қилмайди, назария бўйича ҳам металллар ва

уларнинг қотишмаларида Пуассон коэффициентининг қийматлари кам ўзгаради.

3-расмда САВ-1, АМГ-2 ва АМГ-6 қотишмаларда эластиклик коэффициентлари  $c_{11}$  ва  $c_{44}$ , Юнг модули  $E$  ва ҳажмий модул  $B$  ларнинг таркиблардаги киритма Mg ни эффектив концентрациясига боғлиқлиги келтирилган. Текширилган концентрациялар интервалида барча эластиклик модуллари учун нозичлиқли боғланиш кузатилиши кўриниб турибди. Бу магний ва кремний киритмаларининг кичик концентрацияларида уларнинг тугунлар орасига кириши ҳисобига вакансиялар концентрацияси ортиши, ғоваклар ҳосил бўлиши билан тушинтирилади.

Кейинчалик, қотишмада магний концентрациясининг ортиши билан қаттиқ эритмада яхши эрийдиган магний атомлари асосий рол ўйнай бошлайди. Таркибда магний миқдори ортиши билан кристалл панжара яна биржинслироқ бўла боради, атомлар орасидаги марказий кучлар яна ортади ва мос тарзда эластиклик модуллари ортади.



**3-расм. Қотишмаларда эластиклик коэффициентлари  $c_{44}$  (1),  $c_{11}$  (4), Юнг модули  $E$  (2) ва ҳажмий модул  $B$  (3) ларнинг киритма Mg концентрациясига боғлиқлиги**

Диссертациянинг “САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларнинг эластиклик ва иссиқлик хоссалари ва анизотропия параметрининг ўзаро боғлиқлиги” номли 3-бобнинг тўртинчи бўлими бошланишида САВ-1 ва АМГ-2 қотишмалар учун қуйидаги муносабатдан Дебай температурасини аниқлаш натижалари келтирилган:

$$\theta_D = \frac{h\omega_D}{2\pi k} \quad (8)$$

бу ерда  $k$  ва  $h$  — Больцман ва Планк доимийлари;  $\omega_D$  — кристалл панжара тебранишларининг максимал частотаси.

Бошқа ишлардан фарқли равишда, ҳисоблашларимизда бу қотишмалар учун акустик тўлқинлар тезлигининг биз олган қийматлари ишлатилди. САВ-




1 ва АМГ-2 қотишмалар учун Дебай температураси қийматлари мос равишда 406 K ва 409 K га тенг, яъни алюминий учун қиймат – 399 K дан юқори чиқди.

Айтиб ўтилганидек, Грюнайзен параметри  $\gamma$  атомлар тебранишларини характерлашга хизмат қилади, уни Беломестных В.Н. тегламасидан топиш мумкин, тенглама бўйлама ва кўндаланг акустик тўлқинлар тезликлари қийматларидан Грюнайзен параметрини топиш имконини беради:

$$\gamma = \frac{9(\vartheta_L^2 - 4\vartheta_S^2/3)}{2(\vartheta_L^2 + 2\vartheta_S^2)}, \quad (9)$$

4-расмда (8) муносабатдан ҳисобланган Грюнайзен параметри квадратининг ўзгариши ва бўйлама ва кўндаланг акустик тўлқинлар тезликларининг тажрибада топилган қийматлари кўрсатилган.



**4-расм. АМГ-2(2), САВ-1(1) қотишмаларда Грюнайзен параметри квадратининг (3) ва иссиқлик қаршилигининг температурага боғлиқлиги**

Айни пайтда акустик тўлқинлар сўниши  $\alpha$  ни материалнинг иссиқлик қаршилиги  $W$  га кўпайтмаси Грюнайзен доимийси билан қуйидагича боғланган:

$$\alpha = \gamma^2 \frac{T\omega^2}{c_{eff}' W \vartheta_D^2} \quad (10)$$

бу ерда  $\vartheta_D$ —иссиқлик фононларининг Дебай тезлиги.

4-расмдан САВ-1 ва АМГ-2 қотишмаларда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг аномал табиатини тушинтириб берувчи температурага боғланишларнинг сифат мувофиқликлари кўриниб турибди.


Диссертациянинг “Алюминий қотишмаларида ангармонизм параметрининг акустик тўлқин тезликлари ва ҳажмий эластиклик билан боғлиқлиги” номли 3-бобнинг бешинчи бўлимида, агар  $\vartheta_L$  ва  $\vartheta_S$  ни Юнг модули  $E$ , модда зичлиги  $\rho$  ва Пуассон коэффициенти  $\sigma$  билан боғловчи

маълум формулалардан фойдаланилса, Грюнайзен параметри учун Пуассон коэффиценти билан оддий боғланишни олиш мумкин (бундай ҳолда Грюнайзен эластиклик коэффиценти деб аталади)

$$\gamma_{\text{ур}} = \frac{3(1 + \sigma)}{2(2 - 3\sigma)} \quad (11)$$

(10) ифодани таҳлил қилиш, Пуассон коэффицентининг реал поликристаллар учун 0.05 дан 0.46 гача қийматларида Грюнайзен параметри 0.85–3.53 оралиқда бўлади, бу эса кўпчилик тажриба натижаларига мос келишини кўрсатади.

5-расмда Al–Mg қотишмалар учун ҳажмий эластиклик модули  $B$  ва ангармонизм доимийсининг киритма Mg концентрациясига боғлиқлиги келтирилган.



**5-расм. Al–Mg қотишмалар учун ангармонизм доимийси (1) ва ҳажмий эластиклик модули  $B$ (2) нинг Mg концентрациясига нисбий боғлиқлиги**


Киритма Mg ҳажмий эластиклик модулига ҳам, ангармонизм доимийсига ҳам бир хил таъсир қилиши кўриниб турибди. Бундан Mg кам концентрацияларда қотишма кристалл панжарасини ғовакроқ қилиши ва атомлар орасидаги таъсир кучларини сусайтириши келиб чиқади. Натижада ангармонизм доимийси ва ҳажмий эластиклик модули камаяди. Кейинроқ, магний концентрацияси ортиб бориши билан бу атомлар вакнсияларни тўлдиради, панжарада “вакансион ғоваклик” камаяди, атомлар орасида боғланиш кучлари яна ортади ва мос равишда структурага сезгир параметр бўлгани учун алюминий қотишмаларида чизиқли ва ночизиқли эластиклик хоссаларини боғловчи параметр бўлиб хизмат қилиши мумкин.

